

## Ҳақиқат ҳақдан дарак



18:10 / 23 март 1318

Башарият ҳаётига назар солсангиз, инсон қалби доимо ҳақиқатни излайди. У доим ҳаққа интилади, ҳақни суюди, ёлғонни ёмон кўради. Эътибор беринг, қалб шундай бўлади.

Дунё тарихига ва бугунига назар солсангиз, ҳамиша охир оқибат ҳақиқат ғолиб бўлганига гувоҳ бўласиз. Ёлғон қанча гупирмасин, зулм қанчалар қутирмасин, бир кун йўққа чиқиб, оқибатда ростгўйлик ва адолат ютиб чиқаверади. Шунинг учун ҳам халқимиз “Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди”, деб айтади.

Қанчадан қанча ёлғончи тузумлар ўз қабоҳатларини хаспўшлаш учун шайтоннинг хаёлига келмаган ҳийлаларни қилишди. Худосизлар халқларнинг ақлини эгаллаш учун минг хил найранг, зулму ситамлар этишди. Улар қилган қирғин ва қатағонларнинг ўхшашини башарият бошқа кўрмаган. Бироқ кўп ўтмай ёлғонлари фош бўлиб, ўзлари тарих қаърига қулади, яна ҳақ ғолиб бўлди.

Бугун Яқин Шарқда кечаётган ҳодисалар фонида мазкур ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топди. Дунёнинг йирик кучлари қўлида ўйинчоқ бўлиб қолган матбуот ҳар қанча қичқирмасин, ҳақиқат саси қаршисида йўққа

чиқиб қолмоқда. Ёлғон тўзони денгиз сувини қанча булғамасин, ҳақиқат булоғидан сизиб чиққан зилол сув ялтираганча намоён бўлиб, лойқа сувни аста суриб чиқармоқда.

Неча йилдирки, Ғарб ва унга тобе матбуотлар одамлар миясини ювиб, ростни ёлғон, ёлғонни рост қилиб кўрсатиб, мусулмонларни ёмонотлиқ қилиб, инсонларнинг тафаккурини булғаб келаётган эди. Оқил кишилар буни яхши фаҳмлаб турган бўлса да, бирорта ҳам яроқли холис манба бўлмагани учун омма алданиб қолаётганди. Бугун минглаган ёлланма матбуотлар қаршисида атига 3 4 та муқобил манба пайдо бўлиб, воқеликни бироз аниқроқ ёритишни бошлаган эди, анави тумонат хабарчиларнинг сўзига биров ишонмай қўйди. Ҳақнинг қаршисида дунёнинг манаман деган давлатлари, матбуотлари, сўзчилари ожиз қолмоқда.

Бу нимани англатади? Демак, дунёда барча кучлардан устун бошқа бир ирода бор. У фақат ҳақ тарафида ва ҳамиша уни ёлиб қилади. Бироқ буни ёлғон кўзини пардалаганлар кўра олмайди.

Ёлғон ҳам, рост ҳам хабар. Бироқ қалб ёлғондан нафрат қилади, унга эргашмайди, доим ростга мойил бўлади. Нега? Чунки бу оламни ва унда башарни яратган Зот ҳақдир, ҳақни устун қилишни ирода этган. Оқибат тақводорларники, ерга солиҳ бандалар ворис бўлиши илоҳий қонунда битиб қўйилган. Аллоҳ Ўз ишида ёлибдир, лекин кўп одамлар билишмайди.

Тарих оша дунёда ёлғон паст, ҳамиша ҳақ ёлиб бўлиб келиши ақлли киши учун иймон келтиришга туртки бўларли мўъжизалардан саналади. Бўлмаса, ёлғонга сарф қилинган бунча ҳаракату харажатлардан кейин ҳақиқат сўзи башариятга аллақачон бегона бўлиб кетиши керак эди. Бироқ доимо рост ёлиб бўлиб, унинг шаъни янада ортиб бораверади.

Аллоҳ таоло дунёни имтиҳон хонаси қилиш учун унда ёлғонга имкон бериб қўйган, токи ким ҳақ тараф, ким ёлғон тараф, аниқ бўлсин, кейин даъво қила олмасин. Ана ўша вақтинча ёлғон инсонларни саралаб беради, уларнинг қалблари амалга кўчишини таъминлаб беради. Ҳақ келгач эса ёлғон худди тўзон каби ҳавога учиб кетади.

Ҳақнинг яна бир хусусияти шуки, у бировларнинг кўмагига муҳтож эмас, ҳар дам ўз оёғида тураверади. Ботил эса тиргаксиз бир кун ҳам яшай олмайди.

Ҳақиқатни безаш, танитиш, тарғиб қилиш, эълон этиш шарт эмас, унинг туриши ўзи қувват, гўзаллик ва доврўғдир. Уни тирик қалб, уйғоқ виждон дарҳол танийди. Ёлғон булутлари уни кўзлардан тўсишга ҳар чанд уринмасин, ҳақнинг қуёши порлаган замон ботил йўқ бўлиб, яна ҳамма ҳақ томон талпинаверади.

Ҳозирда дунёнинг бир чеккасида кечаётган ҳодисаларнинг бутун инсоният эътиборини ўзига тортиши ҳам айнан ҳақиқат бўлганидандир. Бугун дунё ёлғонга тўлиб тошганидан инсонлар ҳақиқатга шунчалар ташна бўлиб кетибдики, биров озгина тўғри сўз айтса, бехос ҳамма унга интилмоқда. Мана шунинг ўзи ҳам бу оламни яратган Зот борлигини ва Унинг иродаси барча хоҳишлардан ғолиб эканини кўрсатади. Бахт эса дунёда ҳақни топиш ва ҳақ тарафида бўлишдир.

Уламолар айтадиларки, ким ёлғонни ғолиб бўлади деб ишонса, у Аллоҳ таоло ҳақида ёмон гумон қилган бўлади. Бу эса иймонга хатардир.

Зотан Аллоҳ Ўзи яратган бу кўҳна дунёда ҳамиша ҳақни ғолиб қилишни битиб қўйган ва бу Унинг биру борлигини англатувчи белгилардан бири ҳисобланади. Зотан, ҳақ Ҳақдан даракдир.

**Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21 февраль 03-07/921-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*